

Ш А Р Т Н О М А С И

« 07 » Июл 2022 йил

Чорток шаҳар

ООО AFSONAVIY-QURUVCHI номидан низом асосида иш юритувчи раҳбари М. Ахмедов бир томондан (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) Чорток туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбар А.Дехканов иккинчи томондан (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Шартнома мавзуси

Чорток тумани Узун кўча МФЙ Лутфий кўчаси ички йулларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича мажбурятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофиқ объектни куриш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Умумий шартлар

1.Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан ўзаро тасдиқланган (Ф-2,Ф-3) асосида ҳисобга олинади ҳамда тулов учун такдим этилади.

2.Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

3.Бажарилган ишлар далолатномаси ҳар ойнинг 28 кунигача Пудратчи томонидан Буюртмачига такдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.

4.Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишларни микдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета ҳужжатларига тўғри келмаса Пудратчи қамчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

III.Пудратчининг мажбуриятлари

1.Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг қучлари ва жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.

2.Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиши:

3.Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.

4.Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5.Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз қучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

6. Таъмирлаш давомида лойиха смета ҳужжатларида ҳисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тўла муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа бу тўғрида буюртмачига ёзма равишда хабар беради

IV.Буюртмачининг мажбуриятлари

1.Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш.

2.Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 90 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро ҳужжатлари рўйхатини такдим этиши.

3.Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади.

V. Тўловлар ва ҳисоб – китоблар

1. Шартноманинг тузилаётган вақтдаги умумий суммаси **213 300 000 (Икки юз ун уч миллион уч юз минг)** сўм этиб белгиланди. Ушбу сумма танлов, тендер савдолари натижасида аниқланган катъий сумма ҳисобланиб, амалдаги бозор нархларининг ўзгаришига ёки иш хақи тўловларининг ошишига боғлиқ равишда ўзгармайди.

2. Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сўнг 30% фоиз миқдорида аванс ўтказали, бу эса **63 990 000 (Олтмиш уч миллион тўққиз юз тўқсон минг)** сўмни ташкил қилади. Қолган тўловлар 70% фоизи **149 310 000 (Бир юз қирк тўққиз миллион уз юз ун минг) сум.** Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан 90 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3. Ҳисоб-китоб шакли: Пудратчининг банкдаги ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича Пудратчи таъмирлаш ишларини белгиланган кунга қадар тўлиқ бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишлари муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5. Пудратчи объект топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиши керак.

VI. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

1. Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3. Пеня тўлаш Пудратчининг ишларнинг бажарилишининг ёки хизматлар кўрсатишининг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган иқтисодий томонидан кўриб чиқилади.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай тулиқ ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган. Шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлар ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса у ҳолда пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

IX. Шартномани бекор қилиш

1. Буюртмачи ишларни тугатишининг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда

2. Пудратчи томонидан Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда

3.Объектдаги таъмирлаш ишлари Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қўйилганда.

4.Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб қўйилганда, конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга .

5.Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­но­ма юборади.

6.Шартноманинг бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида тўтилган ҳоллар бундан мустасно..

Х.Алоҳида шартлар

1.Мазкур шартнома имзо­лан­ган­дан кейин, мазкур шарт­но­ма­га тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро желишувлари ўз қучини йукотади.

2.Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қис­ла­ри­га тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, Бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

3.Мазкур шартномага барча узгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда рас­мий­ла­штирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

4.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун нормалари қўлланилади.

5.Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 3 нусхада тузилди. « Буюртмачи » ҳамда « Пудратчи » томонидан тасдиқлангандан қучга қиради ва ва Газначилик булинмасидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик қучга қиради ва 2022 йил 31 декабр­гача амал қилади.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Пудратчи»

ООО АFSONAVIY-QURUVCHI

Манзил: Чортоқ туман, Короскон ша­ха­р­ча
Султон Сайид кўчаси
Тел./факс:
х/в 20208000105114291001

МФО: 01060 СТИР: 306658007

Банки: Трастбанк Наманган филиали



Рахбар: М.Ахмедов

«Буюртмачи»

Чортоқ туман Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил: Чортоқ ш. Суғдиёна кў­ча­си 41-уй
Тел./факс: 55-251-16-38
ш/х 100022860142367045204110009
ИНН: 203315668

МФО:00014

Уз.Рес Молия вазирлиги Газначилиги
х/в: 23402000300100001010

Банки: Марказий банк Тошкент ша­ха­р ХККМ
МФО: 00014
СТИР: 201122919

Рахбар:



А.Дехканов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"AFSONAVIY-QURUVCHI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"AFSONAVIY-QURUVCHI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

21.08.2019

754167

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306658007

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat


Joylashgan joy:

Namangan viloyati, Chortoq tumani, Koroskon, MUSTAQILLIK MFY, YANGI
AVLOD KO'CHASI, 33-UY,

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Chortoq tumani, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



TZ53201361

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnoma № 17

2. Loyihaning nomi: Transport xizmati ko'rsatish to'g'risida.

Chortoq tuman Obodonlashtirish boshqarmasi va AFSONAVIY-QURUVCHI MCHJ o'rtasida Chortoq tumani Uzun ko'cha MFY Lutfiy ko'chasi ichki yullarini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Chortoq tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 07.07.2022 yilda ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i



M.Xaydarov



XALQ DEPUTATLAR CHORTOQ TUMANI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 9 - iyun

VI-42-66-6-88-K/22

Chortoq tuman hokimligi

Чортоқ тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил тасдиқланган параметрларида туман “Ободонлаштириш” бошқармасида ички йўллارни таъмирлаш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали “Менинг йўлим” лойиҳасида энг кўп овоз тўплаган таклифлар учун маблағлар ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2-февралдаги 49-сонли қарорига асосан, Чортоқ туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил тасдиқланган параметрлар доирасида туман ички йўллари таъмирлаш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали “Менинг йўлим” лойиҳасида энг кўп овоз тўплаган таклифлар учун маблағлар ажратиш тўғрисида таклифларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 24-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2-февралдаги 49-сонли қарорини таъминлаш мақсадида, туман маҳаллий бюджетида ички йўллари таъмирлаш харажатлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан, жорий йил 20 апрелдан 29 апрелгача бўлган муддат давомида “Очиқ бюджет” ахборот портали “Менинг йўлим” лойиҳаси орқали энг кўп овоз тўплаган таклифлар, шундан Чортоқ туманидаги Ласкидон МФЙ, Бирдамлик кўчаси учун (таклиф ID рақами 0910500016 2216 та овозга эга бўлган) харажатлари учун 450,0 (Тўрт юз эллик миллион) сўм, Узун кўча МФЙ Лутфий кўчаси учун (таклиф ID рақами 0910500009 1154 та овозга эга бўлган) харажатлари учун 225,0 (Икки юз йигирма беш миллион) сўм, жами бўлиб 675,0 млн сўм маблағ ғолиб деб топилган таклифлар учун маблағлар ажратилсин ва “Менинг йўлим” жамғармасига йўналтирилсин.

(Халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгаши томонидан ғолиб деб топилган таклифларни манзилли рўйхати иловага асосан тасдиқлансин).

2. Харажатларни амалга оширишга масъул ташкилотлар раҳбарларига:

ажратилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш;

молиялаштириш манбасини очиш учун ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатларни туман молия бўлими ва туман ғазначилик бўлинмасига тақдим этиш;

ажратилган маблағлардан тўғри, мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш;

ажратилган мақсадли маблағларни ўз вақтида ва самарали ишлатилиши юзасидан молиявий ҳисоботлар асосида тизимли ўрганиш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра, ишлатилмаган ва иктисод қилинган маблағларни туман маҳаллий бюджетига қайтариш чораларини кўрсинлар.

Туман ҳокимлиги ҳисобхонаси (А.Боймирзаев) жамғарма маблағлари ҳисобидан тегишли буюртмачи ташкилотларга маблағларни тасдиқланган иловага асосан йўналтирилиши;

Туман молия бўлими (Модератор) буюртмачи ташкилотларга ажратилган маблағларни лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида белгиланган тартибда мақсадли ишлатилишини ва амалга оширилган ишлар бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги ишчи гуруҳига маълумот киритиб борилишини таъминласин.

3. Туман ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари-матбуот котиби (Р.Умматов) ва туман “Чортоқ ҳақиқати” газетаси (Б.Тиллабоев) билан биргаликда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган ва “голиб” деб топилган тадбирларнинг расмий веб сайтларда ва газетада кенг ёритиб бориши тавсия этилсин.


4. Туман бюджетининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларни белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланиши ҳамда маблағларни ажратилиши учун тақдим этилган барча ҳужжатларга ишчи комиссия аъзолари шахсан жавобгарлиги эслатиб ўтилсин.

5. Туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари буюртмачи ташкилотлар билан биргаликда белгиланган тартибда қурилиш ва таъмирлашга оид тендер танловларни тезликда ўтказилишини ташкиллаштирсин.

6. Туман ҳокимлигининг молия бўлими (Д.Вахабов)га бюджет харажатлар режасига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш, туман ғазначилик бўлинмаси (Ф.Қамбаров)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш ҳамда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш вазифалари топширилсин.

7. Мазкур қарор ижросининг назорати халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иктисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари” бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



А.Отаходжаев